ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ТЯНЬШАНДА ТАРҚАЛГАН БУҒДОЙДОШЛАР ОИЛАСИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Б.Ё.Мадумаров, Г.З.Эрматова, М.У.Тожибоев,А.А.Имирсинова

Мақолада Жанубий-ғарбий Тяньшань тоғларининг Чотқол тоғ тизмаси Қўнғирбуқа тоғи ва Қурама тоғ тизмасининг Ангрен адирларида учрайдиган Poaceae L.оиласи Triticeae Dum. трибаси асосий турларининг морфометрик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Poaceae L. оиласи, Triticeae Dum. трибаси, H. bulbosum Torn., H. leporinum Link., H. spontaneum C.Koch., Agropyron repens, Eremopyrum buonopartis, фенология, феноспектр, морфометрик кўрсаткичлар, Жанубий-ғарбий Тяньшань.*

В статье приведены сведения о морфометрических показателях основных видов трибы Triticeae Dum. семейства Poaceae L., встречающихся в Ангренских предгорьях Кураминского хребта и в горах Кунгурбука Чаткальского хребта Юго-западного Тянь-Шаня.

Ключевые слова: *Семейство Poaceae L, Триба Triticeae Dum, H.spontaneum C.Koch., H. bulbosum Torn., H.leporinum Link., Agropyronrepens, Eremopyrum buonopartis, фенология, феноспектр, морфометрические показатели, Юго-Западный Тянь-Шань.*

In the article there was given some information about morphometrical items of main types family of Poaceae L. tribes of Triticeae Dum., which are met in the Angren hills of Khurama ranges and mountains of Khungurbuka of Chathkal ranges of the South-West of Tian Shan.

Key words: *family of Poaceae L., tribes of Triticeae Dum, H. leporinum Link, H. spontaneum C. Koch, phenology, phenospector, morphometrical items, South- West of Tian Shan.*

XX асрга келиб инсоният нафақат табиатдан фойдаланиш, балки ундан ўз эҳтиёжларидан ортиқроқ талаб қилиш даражасига етиб келдики, бу экологик мувозанатнинг издан чиқиши ва бузилишига сабаб бўлди. Табиатнинг муҳим компоненти ҳисобланган ўсимликлар дунёси ҳам ҳозирги кунда жиддий ўзгаришларга учради. Жумладан, алоҳида ҳудудларнинг флористик ва систематик таркиби, ареаллари ва ўсимлик ресурсларининг ҳолати экологик шарт-шароитларнинг ўзгариши ҳисобига кундан-кунга ўзгариб бормоқда.

Тадқиқотлар учун айнан Жанубий-ғарбий Тяньшан (ЖҒТШ)нинг танланишига сабаб шуки, ҳудуд яхлит табиий-ландшафт комплекси бўлиб, текисликлар, адир ва тоғларни ўз ичига олади. Шу жиҳати билан Марказий Осиёнинг мураккаб ўсимликлар қопламини ўрганишда янги илмий ёндашув методларининг ишлаб чиқилишига асос бўлиши мумкин.

ЖҒТШнинг Ўзбекистон ҳудуди ва Фарғона водийсида илк бор PoaceaeL. оиласи Triticeae Dum. трибаси асосий (таянч) турлари генофонди (ex – sity да сақлаш)нинг жонли коллекциясини яратиш учун илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бундан ташқари илмий сафарлар чоғида ЖҒТШнинг Чотқол тоғ тизмаси Қўнғирбуқа тоғи ва Қурама тоғ тизмаси Ангрен адирларида тарқалган буғдойдошлар (Poaceae) оиласининг Triticeae Dum. трибасига кирувчи айрим туркумлар ва турларнинг тарқалиши, фенологияси ва морфометрик кўрсаткичлари ўрганилди.

Бошоқдошларнинг репродуктив биологияси рус олимларидан Пономарев [6,7], Левина [2], Челак [8] томонидан ўрганилган бўлиб, ўзбек олимлари томонидан бу соҳада амалга оширилган ишлар саноқли [5].

Тадқиқот объекти сифатида Poaceae L. оиласи Triticeae Dum. трибасининг ёввойи турларидан: Hordeum L. туркумининг H. spontaneum C.Koch., H. bulbosum Torn., H. leporinum Link.; Agropyron repens (L.P.B), Eremopyrum buonapartis (Spreng) Nevski, E.triticeum (Gaerth) Nevski.), Aegilops cylindrica Host., Ae. crassa Boiss., Lolium perenne L.лар олинди.

Илмий тадқиқотларда ўсимликлар қопламини таҳлил қилишнинг энг замонавий ординацион методларидан фойдаланилди.

Тажрибалар 2015 йилда Андижон давлат университети Ботаника боғи тажриба даласида олиб борилди.

Турларнинг уруғлари бир хил муддат (14 ноябрь)да 1м^2 ли тажриба делянкаларига ҳар бир уруғ ораси 5 см, чуқурлиги 3-4 см ҳолида экилиб, Б.А.Доспеховнинг [1] услубий қўлланмаси асосида тажрибалар қўйилди.

Фенологик кузатувлар Зайцев [3,4] услуби асосида олиб борилди.

Уруғи Тошкент вилояти Ангрен адирларидан 2015 йилда териб келинган турларнинг биометрик кўрсаткичларини ўлчаб, Aegilopscylindrical Host. ва Aegilopscrassa Boiss. турлари ўзаро бир-бирига таққосланди ва қуйидагилар аниқланди: поянинг умумий узунлиги – 54,5 см; поялар сони биринчи

ўнталикда 5 та, иккинчи ўнталикда 4,8 тани ташкил қилди. Ҳар бир поянинг узунлиги ўлчанганда, биринчи поянинг узунлиги 51,7 см, иккинчи поя узунлиги 36,4 см, учинчи поя узунлиги 20,9 см, тўртинчи поя узунлиги 16,6 см ни ташкил қилди. Шуни таъкидлаш керакки, иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ўсимликнинг ҳар бир поя узунлиги турли ўлчамда бўлишини кузатдик. Поялардаги, яъни тўртта поядаги барглар сони биринчи ўн қайтариқда 13,2 та, иккинчи ўн қайтариқда 15 тани ташкил қилди. Ҳар бир поядаги баргларнинг ўртача узунлиги ўлчаб кўрилганда, биринчи поядаги баргларнинг узунлиги илк тажрибада 9,7 см гача, иккинчи тажрибада 9,3 см гача бўлди. Иккинчи поядаги барглар узунлиги ўлчанганда, биринчи тажрибада 7,6 см гача, иккинчи тажрибада 8,6 см гача; учинчи поядаги барглар узунлиги биринчи тажрибада 5,7 см гача, иккинчи тажрибада 10,3 см гача; тўртинчи поядаги барглар узунлиги биринчи тажрибада 6,9 см гача, иккинчи тажрибада 9,8 см ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, поялардаги барглар сони турнинг яшаш шароити иқлимидан келиб чиққан ҳолда турли узунликда бўлиши ва сон жиҳатидан фарқланиши мумкин экан.

Илдиз тизими биринчи ўн қайтариқда 9,6 та, иккинчи ўн қайтариқда 7,2 тани ташкил қилди. Ўлчов натижаларига кўра, уларнинг узунлиги биринчи тажрибада 4,6 см гача, иккинчи тажрибада 4,3 см ни кўрсатди. Ҳар бир поядаги илдизлар сони ва узунлиги турлича экани, илдизнинг сон жиҳатидан фарқланиши кузатилди. Поядаги бошоқнинг умумий узунлиги ўлчанганда 11,3 см, бошоқчалар сони 4.7 донага тўғри келди. Бошоқдаги уруғларнинг узунлиги 6,1 смни ташкил қилди.

Маълумки, уруғ сифатига уруғкуртакнинг ҳолати таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Бошоқдаги бошоқча узунлиги (қилтиғи билан ўлчанганда) дастлаб 6,4 см, иккинчи тажрибада 7,2 см; бошоқча ичидаги уруғ узунлиги (қипиғи билан ўлчанганда) ҳар икки тажрибада ҳам 0,9 мм ни ташкил қилди. Уруғнинг эни ўлчанганда, иккала тажрибада ҳам бир хил кўрсаткич олинди – 0,2 мм. Олинган уруғлар қипиғидан ажратилганда, донларининг узунлиги 10-12 мм ни ташкил қилиши аниқланди.

Hordeum туркумига Ўзбекистонда ўсувчи 7 та тур киради, шулардан бири – Ангрен адирларидан 2014 йил май ойида териб олинган H.spontaneum C.Koch – бир йиллик ўт ҳисобланади. H. spontaneum C. Koch. поясининг умумий узунлиги ўлчанганда 73,3 см, поялар сони эса 18 тани ташкил қилди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир поя узунлиги иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда турли ўлчамларда бўлиши кузатилди. Поялардаги барглар сони 8 тани ташкил қилди. Ҳар бир поядаги барглар ўртача узунлиги ўлчанганда, ўртача 3,5 см дан 13 см гача эканлиги аниқланди. Илдиз тизими юз қайтариқда ўлчанганда 8 тани ташкил қилди, уларнинг узунлиги 2,9 смдан 5,7 смгача бўлди. Ҳар бир поядаги илдизлар сони ва уларнинг узунлиги турлича экани кузатилди. Поядаги бошоқнинг умумий узунлиги – 20,5 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 30 донага тўғри келди. Бошоқдаги бошоқча узунлиги (қилтиғи билан ўлчанганда) 14,4 смгача экани аниқланди. Бошоқдаги доннинг узунлиги 1 см, эни 0,3 мм ни ташкил қилди.

Тошкент вилояти Ангрен адирларидан 2015 йил май ойида терилган H.bulbosum поясининг умумий узунлиги 100,2 см, баргининг узунлиги 23,4 см, бошоқ узунлиги 9,8 см ни ташкил қилди.

Мингта уруғ оғирлиги ўлчанганида, H.spontaneum C.Koch.– 30 гр, H. leporinum Link. – 5 гр., H. bulbosum Torn. 12 гр. ни ташкил қилди.

Олиб борилган тадқиқотлар ўрганилган турларнинг морфо-биологик хусусиятларига иқлимнинг таъсири катталигини, уларнинг қимматли ем-хашак экини эканини ва биохилмахилликда тутган ўрни юқорилигини кўрсатиб турибди.

Адабиётлар:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований).- М.: Агропромиздат, 1985.-351 с.

2. Левина Р.Е. Репродуктивная биология семенных растений. - М.: Наука, 1981. - 93 с.

3. Зайцев Г.Н. Методика биометрических расчетов.– М.: Наука, 1973.- 266 с.

4. Зайцев Г.Н. Обработка результатов фенологических наблюдений в ботанических садах. // Бюл. главн. бот. сада.- 1974.- Вып. 94.- С.3-10.

5. Имирсинова А. К изучению злаков Узбекистана. Экологические проблемы опустывания в Узбекистане. // Материалы международной научной конференции. Ташкент, 2008. - С.56-58.

6. Пономарев А.Н. Цветение и опыление злаков. // Уч. зап. Перм. Ун-та им. А.М. Горького. 1964. Вып. 114.- С.115 - 179.

7. Пономарев А.Н. О постановке и направлениях антэкологических исследований. // Уч. зап. Перм. ун-та. сер. биол. 1970. Вып. 206.- С. 3-10.

8. Челак В.Р. Система размножения пшеницы TriticumL.– К.: Штиинца. 1991. С. 10-11.

Андижон давлат университети,
2016 йил 9 февралда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. А.С.Юлдашев)